

## Ўғирлик қилган ходим қандай жазоланади?



15:00 / 03.12.2020 9130

Ўғирлик гуноҳи кабирадир. Аллоҳ таоло Моида сурасида шундай марҳамат килади:

لَا يَلْلَا نَّمَّ الْاَلْاَن اَبَسَكَ اَمَب اَنْج اْمَهِي دِيَا اُوْعَط اَف اُوَق رَّاس ل اُو ق رَّاس ل اُو  
مِي ك ح زِي ز ع ل ل اُو

**«Ўғри эркак ва ўғри аёлнинг қўлларини кесинглар. Бу Аллоҳдан бездирувчи иқоб ўлароқ, касб қилган нарсаларига яраша жазодир. Аллоҳ ўта иззатлидир, ўта ҳикматлидир» (38-оят).**

Ислонда ўғирлик гуноҳининг оғирлигини англаш учун бу қилмишга яраша бериладиган жазо ҳақида фикр юритиш лозим. Ишониб иш берилганнинг эса ўғирлик қилиши гуноҳи оғирроқдир, чунки унинг бу иши Пайгамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам қайд

этган мунофиқлик аломатларидан биридир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам мунофиққа қуйидагича таъриф берганлар: "Омонатга хиёнат қилади" (Имом Бухорий, Имом Муслим ривоятлари).

Агар ходим ўғирликка қўл урган бўлса, у гуноҳи кабира қилган бўлади. Агар у ўғирланган нарсаларни қайтариб бермаса, чин қалбидан тавба қилмаса, бу дунёда ва охирада жавоб беради.

Ўғирланган молнинг қийматидан ортиқ миқдорида ходим маошидан ушлаб қолишга шариатимиз рухсат бермайди. Чунки Аллоҳ таоло Бақара сурасида шундай дейди:

مُكَيْلَ عِدَّتْ عِا نَمَفُ صَاصِقُ تَامُخُ لْا و م ا رْخُ لْا رْهَ ش لْا ب م ا رْخُ لْا رْهَ ش لْا  
عَمَ هَ لْا نَ ا و م لْ ع ا و هَ لْا ا و ق ت ا و م كَيْ لَ ع عِدَّتْ ع ا م لْ ش م ب هَ ي لَ ع ا و دَّتْ ع ا ف  
ن ي ق ت م لْ ا

**«Ҳаром ойга ҳаром ой. Ҳаром қилинган нарсаларда қасос бор. Ким сизга тажовуз қилса, сиз ҳам унга қилган тажовузига ўхшаш тажовуз қилинг. Ва Аллоҳга тақво қилинг ҳамда билингки, албатта, Аллоҳ тақводорлар биландир» (194-оят).**

رُيْحَ وَهَلْ مُتْرَبَّصَ نِئِلَ وَهَبْ مُتْبِقُوعْ ا م لْ ش م ب ا و ب ق ا ع ا ف مُتْبَق ا ع ا ن ا و  
ن ي ر ب ا ص ل ل

Аллоҳ таоло яна дейди: **«Агар иқоб қиладиган бўлсангиз, ўзингизга қилинган иқобга ўхшаш иқоб қилинг. Агар сабр қилсангиз, албатта, у сабр қилувчилар учун хайрлидир» (Наҳл сураси, 126-оят).**

Уламоларнинг таъкидлашича, кимнинг моли ноҳақ тортиб олинган ёки ўғирланган бўлса, у ўша мол миқдоридан ортиғини олмаслиги лозим. Ибн Абдулбарр раҳимаҳуллоҳ "Ат-Таҳмид" китобида шундай дейди: "Шариат бўйича, жазо зарар миқдорига баробар бўлиши керак".

Ўғирлик содир этган одам ишончни йўқотади. Агар у қилган иши учун тавба қилмаса, Қиёмат кунида жавоби бундан-да қаттиқроқ бўлади.

Аллоҳ таоло шундай дейди:

ا ي ن و ل و ق ي و ه ي ف ا م م ن ي ق ف ش م ن ي م خ م ل ا ي ر ت ف ب ا ت ك ل ا ع ض و و  
ا م ا و د ج و و ا ه ا ص ح ا ا ل ا ة ر ي ب ك ا ل و ة ر ي ع ص ر د ا ع ي ا ل ب ا ت ك ل ا ا د ه ل ا م ا ن ت ل ي و  
ا د ح ا ك ب ر م ل ط ي ا ل و ا ر ض ا ح ا و ل م ع

**«Ва китоб қўйилди. Бас, жиноятчиларни ундаги нарсадан қўрққан ҳолларида кўрасан. Улар: «Вой, шўримиз қурисин. Бу қандай китоб, кичикни ҳам, каттани ҳам ҳеч қўймай ҳисоб қилибди-я», дерлар. Ва қилган амалларини ҳозир ҳолда топдилар. Роббинг ҳеч кимга зулм қилмас» (Қаҳф сураси, 49-оят);**

**يَبْرُقُ لِيْلٍ وَاُوتُوْى نَا۟ةٓ سَلَاوْمُكُنْمَلِضَفَلَا اُولُوْا لَتَايِ الْوَا  
الْاُوْحَفْصَيْلَو اُوْفَعْيَلَو ۞ لَللَّيْبَسِ يَفَن يَرْجَاهُمْلَاو نِيكْاَسْمَلَاو  
مِيحْرُرُوْفَعُ ۞ لَلَاوْمُكَلْ ۞ لَلْاَرْفَعِي نَا۟نُوْبِحْت**

**«Сизлардан фазл ва бойлик эгаси бўлганлар яқин қариндошларга, мискинларга ва Аллоҳнинг йўлида муҳожир бўлганларга (нафақа) бермасликка қасам ичмасинлар, бас, афв этсинлар, ўтиб юборсинлар. Аллоҳнинг сизларни мағфират қилишини севмайсизларми?! Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир» (Нур сураси, 22-оят).**

Бу оят Ойиша онамиз розияллоҳу анҳо ҳақида бир киши турли миш-миш тарқатган ва ўша одамга Абу Бакр розияллоҳу анҳу нафақа бермасликка аҳд қилганидан кейин нозил бўлган.

Аллоҳ таоло ҳаммамизни тўғри йўлдан адаштирмасин, ҳусни хулқли бўлишимизда Ўзи мададкор бўлсин.